

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ

MINISTRY OF PHYSICAL CULTURE AND SPORT OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
UZBEK STATE UNIVERSITY OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORT

«ЗАМОНАВИЙ СПОРТДА МУАММО ВА ЕЧИМЛАР»

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

26-27 март, 2021 йил



**INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE
«PROBLEMS AND WAYS TO SOLVE THEM IN
MODERN SPORTS»
MARCH 26-27, 2021**

ЧИРЧИҚ-2021

КУЛЬТУРЫ И СПОРТА	249
<i>Raxitova Z.</i> SPORTCHILARNING PSIXOLOGO-PEDAGOGIK TAYYORGARLIGI	257
<i>Рахматов В., Шамуратов А.</i> СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ТИЗИМИ	260
<i>Раҳмонов Ф., Қурбонов Б.</i> СПОРТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	262
<i>Рашидов А.</i> ПОВЫШЕНИЕ УРОВНЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ЗНАНИЙ РУКОВОДИТЕЛЕЙ В СФЕРЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА	265
<i>Салимов Ф.А.</i> ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ РИВОЖИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ	268
<i>Сирожов Б.Ю.</i> СПОРТ ҲУҚУҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ	269
<i>Смурыгина Л.В., Шеров З.Т.</i> ПРИМЕНЕНИЕ ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОЙ МЕТОДИКИ ТРЕНИРОВКИ СТУДЕНТОВ В БЕГЕ НА КОРОТКИЕ ДИСТАНЦИИ НА ЭТАПЕ УГЛУБЛЕННОЙ СПЕЦИАЛИЗАЦИИ	273
<i>Танибердиев А.А.</i> ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ УРОКОВ ФИЗИЧЕСКИХ ВОСПИТАНИЕ	276
<i>Толибов Н.А.</i> ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ШАРОТИДА ОЛИМПИЗМ ҒОЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	278
<i>Toxtasinov D.E.</i> OILADA XOTIN-QIZLARNI JISMONIY TARBIYA VA SPORT TURLARIGA JALB QILISH ORQALI MILLIY QADRIYATLARNI RIVOJLANTIRISH	280
<i>Умарова Н., Эрматов С.</i> ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОБЛЕМЫ МЕЖЛИЧНОСТНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ФУТБОЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНО	282
<i>Урдабаев М.А.,</i> ТРЕНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ НАТИЖАДОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	284
<i>Уролов М.М.</i> ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	286
<i>Усманова Д.И.</i> СТРАТЕГИЧЕСКИЙ ИННОВАЦИОННЫЙ МЕНЕДЖМЕНТ В СПОРТЕ	287
<i>Усманова Ш.Ш., Ёқубова Д.М.</i> ПСИХОЛОГИЯ СПОРТИВНОГО СОРЕВНОВАНИЯ	289
<i>Хаитов А.У.</i> ЖИСМОНИЙ ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ЎСМИРЛАР СПОРТ ФАОЛИЯТИДА НОРАСОЛИК КОМПЛЕКСИ ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ	292
<i>Халматов Т.Б.</i> СПОРТ ФАОЛИЯТИГА ХОС БЎЛГАН ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАР	294
<i>Хасанов О.Х.,</i> ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ТЎПГА ЗАРБА БЕРИШИДА ПОРТЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ БОҒЛИҚЛИГИ	296
<i>Хожаметов А.А., Шылманов А.Е.</i> МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИМПИЯ ВА МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАРАКАТЛАРИ	299
<i>Холдаров Т., Ҳайитов Т.Ш.</i> КАТТА ЁШДАГИЛАР ВА ТАЛАБА – СПОРТЧИЛАР ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ	301
<i>Холиқов Ф.</i> МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	304
<i>Xonkeldiyeva N.B.</i> BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QUVCHILARINI JISMONIY KO'NIKMALARGA O'RGATISH	305
<i>Hosilmurodov G'.N.</i> BARKAMOL KADRLARNI YETISHTIRISHDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTNING O'RNI VA RO'LI	307
<i>Арзикулов Д.Н., Шарипова Ш.С.</i> ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ФАОЛИЯТИ ЎСМИР ҚИЗЛАР ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ	309
<i>Юлдашева К.А.</i> БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ МАСОФА СЕЗГИРЛИГИ АҲАМИЯТИНИ ИЖТИМОИЙ	

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ
МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
TECHNOLOGIES OF PHYSICAL EDUCATION IN PRESCHOOL EDUCATIONAL
INSTITUTIONS**

*Холиқов Ф., Жиззах давлат педагогика институти
Ўзбекистон, Жиззах шаҳри*

Калит сўзлар: мактабгача таълим, жисмоний тарбия машғулотлари, йирик ва майда моторик ривожлантириш, педагогик технологиялар.

Keywords: preschool education, physical education classes, large and small motor development, pedagogical technologies.

Ўзбекистон республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларининг 3-боби давлат талабларининг таркибида боланинг ривожланиш соҳалари бўйича 6-7 ёшли бола жисмоний ривожланишда кутилаётган натижаларни амалга ошириш мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний тарбия машғулотларини инновацион педагогик технологиялар билан қўллаш асосида болаларни тўлиқ жисмоний ривожланишини таъминлаш мумкин.

Жисмоний машқларни, машғулотлар учун танлаш режа асосида тузиладиган иш режаси бўйича белгиланади. Муайян гуруҳ болалари ёшини, ҳар бир боланинг саломатлигини, умумий ривожланиш даражасини ҳисобга олувчи истиқбол ва жорий режалар болалар томонидан эгалланган ҳаракат кўникмалари, болаларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари, йил фаслини, машғулотларни ўтказиш шароити, шунингдек, болаларнинг аввалги фаолиятини ҳисобга олишдан келиб чиққан ҳолда машғулот вазифалари ва аниқ жисмоний машқлар белгиланади.

Навбатдаги машғулот режасини ишлаб чиқишда олдинги машғулотни синчиклаб таҳлил қилиш қўл келади. Таҳлил жараёнида олдинги машғулотда қўйилган вазифаларнинг амалга оширилган даражаси, болалар реакциясида намоён бўладиган ва машғулотни ҳисобга олишда қайд этиладиган натижалар (барча болалар томонидан алоҳида ҳолда янги режа материални ўзлаштириш даражаси, таниш ҳаракатларни эгаллашдаги илғор ва қўшимча машқлар, энгилроқ вариантларини бирмунча чуқурроқ ўрганишни, болаларни ташкил этиш шаклини ўзгартиришни, индивидуал машғулотлар ва ҳаказоларни талаб этувчи у ёки бу қийинчиликлар) аниқланади.

Олдинги ва кейинги машғулотлар ўртасидаги узвий алоқа, умумий мақсадга йўналганлик мукамал тизимни таъминлайди. Бу тобора мураккаблашиб борадиган

вазифаларни бажаришдаги аниқ изчилликни, режани ўтишни ва шу асосда ҳар бир ёш гуруҳидаги болалар таълимнинг натижалари муваффақиятли бўлишини белгилайди. Олдинги машғулот таҳлили асосида аввало машғулот асосий қисмининг вазифалари: болаларни янги машқларга ўргатиш; олдиндан таниш машқларини ва такомиллаштириш (аниқ жисмоний машқлар кўсатилади) белгилаб олинади. Шундан сўнг машғулотнинг кириш ва якунловчи қисмига мўлжалланган машқлар аниқланади.

Машғулотларда тарбиячи болаларни уюштиришнинг фронтал, гуруҳий, индивидуал каби турли усуллардан фойдаланади. Фронтал усуллардан фойдаланилганда болаларга барча учун бир ҳил тарзда, бир вақтда бажариладиган машқлар берилади. Фронтал усулни машғулотни исталган қисмида, айниқса болаларни янги машқларга ўргатишда ёки аллақачон таниш машқларни такомиллаштиришда қўллаши мақсадга мувофиқдир. Бу усул болаларда ҳаракат уйғунлигини тарбиялашда, уларни барча учун баробар вазифаларни ҳал этишга бирлаштиришда, тарбиячининг болалар билан бевосита алоқага киришишда, шунингдек машғулотларнинг мотор зичлигини оширишда самаралидир.

Бундан ташқари, машқларни поток усулда бажаришдан ҳам фойдаланилади, бунда барча болалар айнан бир машқни навбатма-навбат, бирин-кетин, тўхтовсиз-поток усулида бажарадилар. Машқларни кенг кўламда такрорлаш учун уларни бажариш икки ва уч потокда ташкил этилиши мумкин. Турли машқларнинг ҳар бир бола томонидан давра бўйлаб, станцион тарзда изчил тартибда поток усулида бажарилиши фойдали ҳисобланади (масалан, чамбарак орасидан ўтиш, скамейкада қоматни тик тутиб юриш, сакраб кўнғироқчани чалиш, чопиш ва югуриб келиб узунликка сакраш).

Машғулот жараёнида ҳар бир бола ўзига берилган топшириқни тарбиячи назорати остида мустақил бажараётганида индивидуал усулдан фойдаланиш мумкин. Ҳамма учун умумий бўлган машқлар деталларини аниқлаштириш мақсадида, машқ тарбиячи буйруғига кўра индивидуал тарзда бажарилади. Бундай усул тарбиячининг алоҳида эътиборини, болаларни яхши уюштиришни, барчани фаол кузатишга жалб этиш ва топшириқлар бажарилишининг тўғрилигини таҳлил қилишни, машқларни тарбиячи буйруғига кўра қайта бажаришга тайёр туришни талаб этади.

Бундан ташқари қуйидаги технологиялардан ҳам фойдаланади:

- жисмоний ва руҳий юкламалар технологиялари;
- жисмоний машғулотнинг умумий ва мотор зичлиги;
- ёш жиҳатдан аралаш гуруҳларда жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш технологиялари.

